

ҲИКМАТЛАР

Соф виждон бўхтонни ҳам, миш-мишни ҳам писанд қилмайди.

ОВИДИЙ.

Аввал-бошданок ўзини тўғри тута билган одам виждон азобидан форигдир.

АБУЛ-ФАРОЖ.



ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

Табиат кўйида

ҲАМ ДАМ, ҲАМ ИЖОД

Мамлакатимизда гўзал табиат кўринишларига бой масканлар анчагина. Айниқса, тоғларнинг бетакор манзаралари тасвирий санъат шайдоларини ўзига чорлайди. Бугунги кунда талабалар учун ана шундай баҳоли масканларда амалиёт машғулотлари давом этмоқда. Ёш раҳбарлар имкониятдан унумли фойдаланиб, ўзларининг илк ижодий асарларини яратиш бахтига муяссар бўлаётирлар.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг Тошкент вилояти Бўстонлик туманининг Хумсон қишлоғи атрофидаги Угам дарёси қирғоғида жойлашган ўқув-дала машғулотлари ўтказиш ва спорт-соғломлаштириш оромгоҳи жорий мавсумда ҳам гавжум масканлардан бирига айланди. Бу ерда юзлаб талаба ва ўқитувчи-профессорлар соғлиқларини тиклаш билан бирга расм чизиш машқларини ҳам ўтказмоқдалар.

Таниқли rassom, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Ф.Абдурахмонов, доцентлар Я.Салпинкиди, Р.Ражабов, катта ўқитувчилар Н.Абдусаломхўжаев, П.Қодирхўжаев ва Н.Усмоновлар турли курсларда ўқийдиган 70 нафардан зиёд талабаларга табиат кўйида ман-

зара ва натурморлар ишлаш сирларини ўргатишмоқда.

— Икки ҳафта давомида талабалар бажарган ишлар асосида ўтказилган дастлабки баҳолаш кўриги натижасида саралаб олинган энг яхши рангтавир ва графика намуналари бир неча ойдан сўнг бўладиган иқтидорли ёш rassomлар асарлари кўргазмасида намойиш этилади. Фолиблар рағбатлантирилади, — дейди амалиёт раҳбари, катта ўқитувчи Руслан Халилов. — Энг муҳими, амалиёт пайтида талабалар ўз устозларининг ижодий лабораториясидан баҳраманд бўлаётирлар.

Баҳром ТОЖИБЕВ, Ўзбекистон Бадий академияси ижодкорлар уюшмаси аъзоси.

МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИ БОЛАЛАРИ ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР МАРКАЗИДА

Бу илмий-бадий марказда шуғулланаётган ёш ижодкорлар билан тасвирий ва ҳайкалтарошлик санъати, майда пластика, лок миниатюраси, зарли тикувчилик маҳорати бўйича машғулотлар олиб борилмоқда. Мохир ҳайкалтарош Гулсара Ражапова саъй-ҳаракатлари билан юзага келган мазкур даргоҳ иш бошлаганига уч йил бўлди.

Тошкентдаги 1 ва 21-меҳрибонлик уйлари, 10-маҳсуи интернет каби масканларда тарбия топиб, ижод билан шуғулланаётган ёш истеъдодларни марказда кўплаб ўқратиш мумкин.

Улар яратган ижод намуналари асосида алоҳида кўргазма ташкил этилди. У Ўзбекистон Бадий академиясининг марказий кўргазмалар залида намойиш қилинмоқда. Ногирон болалар кўли билан юзага келган расм, ҳайкалчаларга ҳам экспозициядан кенг ўрин берилди. «Ибн Сино», «Ганди», «Раққоса» деб номланган ҳайкаллар кўпчилик эътиборини ўзига тортмоқда.

Марказ бундайд кўргазмаларни театр биноларида, музейларда ҳам уюштиришни режалаштирди.

А.АЛИЕВ.

Пазанда маслаҳати Помидордан қуймоқ

Помидордан мантидагидек косачалар тайёрланади. Ҳар бир косачага ярим қошиқ сариёғ, бир чимдим туз солиб, устидан битта хом тухум чаккиб солинади, ичи тўлдирилган помидорлар таги ёланган товага терилади-да, газ духовкасида 20-25 минут чамаси пиширилади.

Қадим замонда бир савдогар яшаган экан. Кунлардан бир кун у олис мамлакатга саёҳат қилмоқчи бўлибди. «Мен сизларга кунчиқар мамлакатдан совғалар олиб келмоқчиман, — дебди у хизматкорлари билан хайрлаша туриб. — Сизлар уйимга кўз-қулқ бўлиб туринглар». Савдогарнинг гоят севимли ва ақли тўтиқуши ҳам бор экан. У тўтиқушга олтин кафас қуриб берган, ҳар кун уни ўз кўли билан овқатлантирар, сув берар экан. Жўнаб кетиши олдидан тўтиқуш: «Менга ҳам узоқ мамлакатдан бир нарса олиб кел, жаноб», — дебди. Шунда савдогар «Мен сенинг тилагингни бажонидил бажо келтираман. Айт-чи, нима хоҳлайсан?» — деб сўради. «Сен кетаётган мамлакатда қалин қассия дарахти ўсади. Унинг шоҳларида 100 та тўтиқуш яшайди. Уларнинг энг каттасига олтин кафасдаги укандан салом дегин. Лекин, илтимос, унинг ҳар бир сўзини яхшилаб эшитиб ол ва менга шу сўзларни оқизмай-томизмай айтасан, — дебди тўтиқуш. — Шу менинг тилагим».

Савдогар тўтиқушга албатта, дарахтни топаман ва саломингни ет-

казаман, деб ваъда берибди. Узоқ саёҳатдан сўнг савдогар кунчиқар мамлакатга етиб келибди, молларини сотибди. Хизматчилари учун ул-бул харид

қилибди. Кейин севимли қушчасига берган ваъдасига биноан тўтиқуш тасвираб берган жойни қидириб топди. Ҳақиқатдан ҳам у ерда қалин дарахт ўсар, шоҳларида эса 100 та тўтиқуш яшар экан. Савдогар уларнинг энг каттасига севимли тўтиқушининг саломини етказибди. Бироқ, шу пайт дарахтдаги тўтиқуш савдогарнинг оёқлари остига жонсиз ҳолда кулаб тушибди. «Бу ёввойи тўтиқуш чиндан ҳам севимли дўст экан, шекилли, саломини эшитиб жон таслим қилди», — деб ўйлабди.

Шундай қилиб савдогар ночор ўз юртига қайтибди. Тўтиқушини яна соғ-саломат кўрганидан хурсанд савдогар уни кўрқитиб юборишдан чўчиб, бўлган воқеа ҳақида сўз очмабди. «Жаноб, саломини етказма олдингми?» — деб сўраб-

Енгил атлетика ШРИ-ЛАНКАДАГИ МУВАФФАҚИЯТ

Шу йил 6-15 август кунлари Шри-Ланканинг Коломбо шаҳрида енгил атлетика бўйича XIV Осиё чемпионати ўтказилди. Мусобақаларда қитъанинг 1500 мамлакатидан 1500 спортчи қатнашди.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитасининг матбуот марказидан ЎЗА мухбирига маълум қилишларича, чемпионатда юртимиз терма жамоасидан жой олган ўн уч нафар спортчи иштирок этган. Ҳамюртларимиздан Сергей Войнов найза улоқтириш, Мария Сокова уч хатлаб сакраш, Павел Андреев ўнкураш, Любовь Перепелова ҳамда Замира Амирова югурши бўйича биринчилиكنинг кумуш медалларини кўлга киритган. Шунингдек, Анна Казакова, Гўзал Хуббиева, Людмила Дмитриади ва Любовь Перепеловадан иборат югурувчиларимиз жамоаси 4x100 эстафетасида ҳам иккинчи ўринни эгаллади. Бундан ташқари, боскон улоқтирувчи Виктор Устинов, югурувчилардан яна Любовь Перепелова ва Замира Амирова жамоамиз ҳисобига биттадан бронза медалини келтирди.

Шундай қилиб, XIV Осиё чемпионатининг олтин кумуш ва учта бронза медалига эга бўлган ҳамюртларимиз эллика яқин мамлакат орасида жамоа ҳисобида олтинчи ўринни эгаллади. Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси учун ҳали асосий мусобақалар олдinda. Спортчиларимиз яқинда Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида ўтказиладиган Осиё ўйинларида ҳам мамлакатимиз спорт шарафини муносиб ҳимоя қилишлари лозим.

(ЎЗА).

Билиб қўйган яхши СИМЛИ ТЕЛЕГРАФ

Симли телеграф тақомиллашуви турлича кечган 1855 йилда инглиз иxtирочиси Д.Юз яратган харф босувчи қурилма кенг тарқалди.

Тажрибали телеграфчи у билан бир дақиқада 40 тагача сўзни узатиши мумкин бўлган. Аммо бу тезлик ундан фойдаланувчиларни қониқтирмади ва хабарни олдиндан қайд этаолувчи махсус қурилма яратишга тўғри келди. Бунга инглиз иxtирочиси Ч.Уитсон муваффақ бўлди. У 1858 йили Морзе алифбосидаги нуқта ва чизиқларга мос ҳолда телеграф қоғоз тасмасини уриб тешидан қурилма-перфоратор яратди. Айни вақтда у узаткич лойиҳасини ҳам тайёрлаган эди.

Яна бир иxtирочи - Стирис 1817 йили икки ёқлама дифференциал шошлинчнома узатишни йўлга қўйди. Бунда хабарлашаётган икки томон бир вақтинчи ўзида ҳам хабар узатиб, ҳам қабул қила олиш имконига эга бўлган.

Битта телеграф линиясида кетма-кет биттадан ортиқ шошлинчнома бериш ёки қабул қилиш мумаммосини француз муҳандиси Ж.Бодо хал эта олади. Европада асосан Бодо қурилмаси қўлланила бошланган.

ВОЛЬФРАМНИНГ КАШФ ЭТИЛИШИ

Вольфрам биринчи марта 1781 йилда Швед кимёгари К.Шееле томонидан топилган. У ўз ватанида «Тунгстен» («Тунгстен» сўзи Шведча бўлиб, қаттиқ модда деган маънони билдиради) деб аталган минерал ўша даврда номаълум бўлган кислотга эга эканлигини аниқлади.

Буёқ олим Ц.Леонард 1821 йилдан бу минерални топан киши шаррафига «Шеелит» деб атаи бошлади. 1857 йили инглиз олими Окленд Темир вольфрам асосларни ишлаб чиқаришга руҳсат олади. 1864 йилда эса инглиз олими Роберт Мюшет биринчи бўлиб, пўлатга 5 фоиз вольфрам аралаштирди ва «Мюшет пўлати» деган номдаги металлни ҳосил қилди. Бу изланишнинг сифатли металлургиянинг пайдо бўлишига сабабчи, ҳозирги замон машинасозлигига асос бўлган металл деб беҳис айтамайдилар.

ФАХРИЙЛАР УЧУН ЧОЙХОНА

Пахтабод туманидаги Чиртаксойнинг сўлим қирғоғида икки ой ичида шинам чойхона қад ростлади. «Туркистон» ширкат ҳўжалиги томонидан бунёд этилган ушбу чойхона қарияларни қадрлаш йили ҳамда мустақиллигимизнинг 11 йиллиги олдидан уруш ва меҳнат фахрийларига эса совға сифатида топширилди.

«Биз қарияларимиз олдида доимо қарздоримиз, — деди ҳўжалик раҳбари Қамариддин Бурҳонжонов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Уларнинг турмуш ва дам олиш шароитларини яхшилаш учун доимо эътибор қаратишимиз лозим.

«Ёзги чойхона ёнида кишки чойхонани тиклаш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Ушбу маскан ҳўжалик маркази бўлиши Файзиобод қишлоғининг маънавият ва маърифат марказига айланади. Шундан сўнг марказда турли учрашувлар, йиғинлар ўтказиш имконига эга бўламиз, — деди ҳўжалик раҳбари пировардида.

«Туркистон-пресс»



Хандалар

АЙБ ДАДАМДА

— Бу қанақаси, — деди ўқитувчи. — Насриддин, тўртинчи синфда «бешга ўқиган эдинг, бешинчида эса «иккига»га тушиб қолдинг?

— Дадам бешинчи синфда ўқимаган эканлар, — деб жавоб берди Афанди.

ГАПНИНГ РОСТИ

Афанди сув сотувчига деди: — Ярим стакан сув беринг. — Нега ярим стакан? — Чунки, барибир, сиз ярим стакан қуясиз-да! — жавоб берди Афанди.

КУЛА-КУЛА ҲАМ ОЛИШ

Сотувчи харидорлардан бирига «Кулгили хикоялар» китобини узатиб: — Шу китобни олинг, жуда қизиқ, ўқиб кула-кула ўласиз, — деди. — Узингиз бунга ўқиганмисиз? — сўради харидор. Уларнинг гапига кулоқ солиб турган Афанди: — Ҳўган бўлса, тирик қолармиди, — деди.



СКАНВОРД

1. Дарахт. 2. Тикув машинаси қисми. 3. Санъат тури. 4. Газ. 5. Автомобиль тури. 6. Россиядаги шаҳар. 7. Сули ичимлиги. 8. Волганинг ирмоғи. 9. Рухоний. 10. Эътиқод. 11. Мақтуб. 12. Сурат. 13. Усул. 14. Фигон. 15. Бурж. 16. Жилосиз от. 17. Ҳўза қасаллиги. 18. Осиёдаги давлат. 19. Чинни (шевада). 20. Пичинг. 21. Ҳўл мева. 22. Қир. 23. Сабоқ. 24. Кондитер. 25. Вақт. 26. Юпқа мато. 27. Мўйнали жонивор. 28. Қишлоқ ҳўжалик асбоби. 29. Пардоз суюқлиги. 30. Сайёра. 31. Дунё. 32. Ингичка ип. 33. Ҳўртоқ. 34. ...йитим. 35. Мучал. 36. Нишон. из. 37. Дарахт. 38. Ота (шевада). 39. Товуш. 40. Поинтар...тар. 41. Буви (шевада). 42. Япония фирмаси. 43. Россиядаги тоғ. 44. Ҳўйла. 45. Ёзлик уй. 46. Бўса. 47. Узоқ шарқдаги шаҳар. 48. Баҳор ойи. 49. Ширинлик. 50. Олис. 51. Символ (ўзбек). 52. Дуррадор асбоби. 53. Рамазон ойи. 54. Хижолат. 55. Пул бирлиги. 56. Телефондаги сўз. 57. Тонгги пайт. 58. Текст (ўзбек). 59. Дарахт. 60. Киш араваси. 61. Фаҳм, укув. 62. Ёпишқоқ модда. 63. Франциядаги шаҳар.
- Тузувчи: Файзулла АБУЛЛАЕВ.

1	2	3	4	5	6	7
8	9	10	11	12	13	14
15	16	17	18	19	20	21
22	23	24	25	26	27	28
29	30	31	32	33	34	35
36	37	38	39	40	41	42
43	44	45	46	47	48	49
50	51	52	53	54	55	56
57	58	59	60	61	62	63

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош мухаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош мухаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топшириди - 22.30

Махсуслими: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табақ. Сотувда эркин нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.